

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(188)
2005 й.
декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

383. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–17-сон Қонуни
384. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрдаги ЎРҚ–18-сон Қонуни
385. «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–19-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

386. «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарори [Кўчирма]

387. «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сон қарори

Учинчи бўлим

389. «ZiyoNET» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарори
390. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 29 декабрдаги 283-сон қарори
391. «Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори
392. «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 31 декабрдаги 288-сон қарори

Бешинчи бўлим

393. «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2005 йил 14 ноябрдаги 248-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 декабрда 795-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
394. «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 26 ноябрдаги 26/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 декабрда 992-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 24 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

383 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 1 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг 6-банди** чиқариб ташлансин;

2) **7-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги** «савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари» деган сўзлар «айрим турлардаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8-модданинг:**

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бундан мустасно), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (мол-мулк солиғи, айрим турлардаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, юридик шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим бундан мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар. Ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

ўнинчи қисмидаги «экология солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **19-модда биринчи қисмининг:**

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 28 декабрда эълон қилинган.

иккинчи хатбошисидаги «экология солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг кредитлари учун фоиз тўловлари суммалари, бундан банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирадиган инвестиция учун олган кредитлари бўйича фоизлар ҳамда тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар мустасно»;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи—йигирманчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи-ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **27¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«27¹-модда. Зарарларни тақсимлаб ўтказиш

Ушбу Кодексда назарда тутилган, чегириб ташланиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи кўрилган зарарларни зарар кўрилган ҳисобот йилидан кейинги беш йил муддат давомида тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтган ҳисобот йилида ёки ўтган ҳисобот йилларида ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарарга (зарарларга) эга бўлган даромад (фойда) солиғи тўловчилар жорий йилдаги солиқ солинадиган даромадни (фойдани) кўрилган зарарларнинг тўлиқ суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир.

Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир навбатдаги йилда ҳисобга олинadиган жами суммаси ушбу Кодексга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий йилдаги солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Солиқ солинадиган база ўрни қопланиши керак бўлган зарар суммаси миқдори фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Бирдан ортиқ календарь йилда кўрилган зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади.

Солиқ тўловчининг даромад (фойда) солиғидан озод қилинган даврдаги зарарлари кейинги даврларга тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас»;

6) **30-модда жадвалининг биринчи хатбошисидаги** «15» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

7) **55-модда биринчи қисмининг жадвали** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинadиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 20 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинadиган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 29 фоизи

8) **72-модданинг:**

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи—еттинчи хатбошилари тегишинча **учинчи—олтинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

9) **IX бўлим** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун 2006 йил 1 январдан эътиборан кучга киradi.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 декабрь,
ЎРҚ-17-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

384 Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодексига** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **139-модданинг:**

биринчи қисми санкциясидаги «эллик бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 30 декабрда эълон қилинган.

2) 140-модданинг:

биринчи қисми санкциясидаги «эллик бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми санкциясидаги «юз бараваридан юз эллик бараваригача» деган сўзлар «тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 159-модданинг:

биринчи қисми санкциясидаги «икки юз бараваригача» деган сўзлар «олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 217-модданинг:

биринчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан етмиш беш бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан уч юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан етмиш беш бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан уч юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 244¹-модданинг:

биринчи қисми санкциясидаги «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги «етмиш беш бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 5 6-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 25-модданинг тўртинчи қисмидаги «ўн бараваригача» ва «ўн беш бараваригача» деган сўзлар тегишинча «юз бараваригача» ва «юз эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 40-модданинг санкциясидаги «бир бараваридан уч бараваригача» деган

сўзлар «йигирма бараваридан олтмиш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **41-модданинг санкциясидаги** «бир бараваридан икки бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан қирқ бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **184-модданинг санкциясидаги** «беш бараваридан ўн бараваригача» ва «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар тегишинча «эллик бараваридан юз бараваригача» ва «юз бараваридан юз эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **201-модданинг:**

биринчи қисми санкциясидаги «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «олтмиш бараваридан саксон бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «саксон бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **202-модданинг:**

диспозициясидаги «бинолар, давлат ёки жамоат мулки» деган сўзлар «бинолар ёки бошқа мулк» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) **202¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«202¹-модда. Ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш —

енг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

8) **Кодекс** қуйидаги мазмундаги **239** ва **239¹-моддалар** билан тўлдирилсин:

«239-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиши

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (диний ташкилотлар бундан мустасно), шунингдек уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан (ҳисобга олинмасдан) фаолиятни амалга ошириши —

енг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг ҳамда уларнинг ходимларининг сиёсий фаолиятда, шунингдек уставдаги мақсад ва вазифаларга тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда қатнашиши, ҳудди шунингдек уларнинг сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказилган амалий ҳаракатлар ҳамда тадбирларни молиялаштириши, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқиши ва шундай ташкилотларни тузишни қўллаб-қувватлаши —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгиларни ишлатиши —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари рўйхатдан ўтказувчи органнинг розилигисиз тадбирлар ўтказиши, ҳудди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтказаетган тадбирларга рўйхатдан ўтказувчи орган вакилининг эркин киришини рад этиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этмаслиги, ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиши, ҳудди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборотни, шу жумладан улар томонидан мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаслиги —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

239¹-модда. Жамоат фондининг харажатларни белгиланган энг юқори миқдордан ошириб юбориши ва йиллик ҳисоботни эълон қилмаслиги

Жамоат фондининг ҳар йилги маъмурий харажатларининг жами суммасини, шунингдек фонднинг васийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошириб юбориши —

мансабдор шахсларга харажатларнинг энг юқори суммасидан ошиб кетган миқдордаги пул маблағларини мусодара қилган ҳолда энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамоат фондининг мол-мулкдан фойдаланганлик тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни эълон қилмаслиги —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **240-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари санкцияларидаги** «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **245-модданинг биринчи қисми** «238» рақамидан кейин «239, 239¹» рақамлари билан тўлдирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 декабрь,
ЎРҚ-18-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ҚОНУНИ

385 Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги 740–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **4-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **1-банди** қуйидаги мазмундаги «**я³**» **кичик банд** билан тўлдирилсин:

«**я³**) туманлар ва шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари — коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги, коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ киритилган даъволар юзасидан»;

2) **2-банди** қуйидаги мазмундаги «**ц**» **кичик банд** билан тўлдирилсин:

«**ц**) туманлар ва шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари — коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги, коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ киритилган даъволар юзасидан».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **25-моддаси:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчилар коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатув-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 4 январда эълон қилинган.

чилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъво-лар билан судга мурожаат қилади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **66¹-моддасининг биринчи қисмидаги** «173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш)» деган сўзлардан кейин «185²-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **XII боби** қуйидаги мазмундаги **185²-модда** билан тўлдирилсин:

«185²-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёхуд иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11 ва 23-моддалар, № 9-10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда) **345-мод-**

дасининг олтинчи қисми «185¹» рақамидан кейин «185²» рақами билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **101-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«101-модда. Электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, электр, иссиқлик энергияси ёхуд газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш, ҳудди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **163-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«163-модда. Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш, ҳудди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

3) **Кодекс** қуйидаги мазмундаги **163¹-модда** билан тўлдирилсин:

«163¹-модда. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек ер участкаларини канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантурувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ

бўлган оқова сувларни канализацияга оқизиш ҳамда канализациядан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда канализация тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «163» рақами «163, 163¹» рақамлари билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Бюджет тизими тўғрисида**»ги 158–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда) **24-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди** «уй-жой мулкдорлари ширкатларига таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудаларини бериш ҳоллари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
ЎРҚ–19-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

386 Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2005 йил 2 декабрдаги 99-1-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджетининг асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Республика йўл жамғармасининг, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг 2006 йилги асосий параметрлари 3—5-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2006 йилги Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,5 фоиз миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш фақат ноинфляцион манбалар, шу жумладан давлат облигацияларини жойлаштиришдан тушумлар, республика бюджети маблағларининг 2006 йил бошидаги қолдиқлари ва ташқи қарз жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади.

3. 2006 йил учун:

юридик шахслардан даромад (фойда) солиғи ставкалари 6-иловага** мувофиқ;
савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромаддан солиқ ставкалари 7-иловага** мувофиқ;

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 8-иловага** мувофиқ;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун ялпи тушумдан ягона солиқ ставкалари 9-иловага** мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича белгилаб қўйилган солиқлар ставкалари 10 ва 11-иловаларга** мувофиқ;

рўйхат бўйича республикада ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган товарлардан акциз солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларга** мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага** мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага**

* 1—5-иловалар берилмайди.

** 6—14-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

мувофик;

катодли (тозаланган) мис ишлаб чиқаришдан олинган ортиқча фойдадан солиқ ставкалари 15-иловага* мувофик;

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 16-иловага* мувофик;

жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 17-иловага* мувофик;

ягона ер солиғи ставкалари 18-иловага* мувофик;

ягона ер солиғини қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда тўлашга ўтган тўловчилар учун ягона ер солиғи ставкалари 19-иловага* мувофик;

ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган тўловчилар учун ер солиғи ставкалари 20-иловага* мувофик;

махаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 21-иловага* мувофик;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 22 ва 23-иловаларга* мувофик;

24-иловага* мувофик белгиланган солиққа тортиш объектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 0,7 фоизи миқдорида ҳамда Мактаб таълими жамғармасига — 1 фоизи миқдорида мажбурий ажратмалар ставкалари тасдиқлансин.

4. 2006 йилда:

қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг иш ҳақидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 2,5 фоиз миқдорида;

харид, таъминот-сотиш, брокерлик фаолияти, шунингдек комисион шартномалар бўйича хизматлар кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ялпи даромаднинг 30 фоизи миқдоридаги ставка бўйича сақлаб қолинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Ягона солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. 2006 йил 1 январдан бошлаб:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивидендлар ва фоизлар тарзида олинадиган даромадлардан солиқ ставкалари 15 фоиздан 10 фоизгача;

ягона ижтимоий тўлов ставкалари, маблағлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида 25-иловада* келтирилган нормативларга мувофик тақсимланган ҳолда, 31 фоиздан 25 фоизгача пасайтирилсин.

Хўжалик юритувчи субъектларга ягона ижтимоий тўлов ставкасини пасайтириш натижасида ҳосил бўлган маблағларни ходимларнинг иш ҳақини оширишга йўналтириш тавсия этилсин.

6. 2006 йил 1 январдан бошлаб республика ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган суюлтирилган газ учун, қонун ҳужжатларига мувофик ҳисоблаб чиқиладиган 21 фоиз миқдорида акциз солиғи жорий этилсин, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно.

7. Ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, ягона солиқ тўлови миқдорини бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи сумма-

* 15—25-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

сига, бироқ 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорга, камайтирган ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўлаш ҳуқуқи берилсин.

8. 2006 йил 1 январдан бошлаб Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун, экспериментни давом эттириш доирасида, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқиш татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқиш учун Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига белгиланган тартибда етказсин.

12. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан Давлат бюджетига йўналтириладиган маблағлар улуши, балансида мулкнинг хусусийлаштириладиган қисми бўлган корхоналар ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ҳисобига, уларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирган ҳолда, 40 фоиздан 65 фоизгача кўпайтирилсин.

13. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча даражадаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида қўйидаги умумдавлат солиқлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турларига белгилаб қўйиладиган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган алкоғолли маҳсулотлар, спирт, пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

14. 2006 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, республика бюджетидан дотациялар ва мақсадли субвенцияларнинг чекланган миқдорлари 26-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқ тушумларидан ажратмалар нормативлари 27-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 28-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

тегишли бюджетларга дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутлари учун) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини (ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилдиган тўловларни) сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш;

республика бюджетидан Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетига берилдиган даромадларнинг тасдиқланган миқдорларига, «ЎзБАТ» қўшма корхонасидан Самарқанд вилоятида шаклланадиган солиқ тушумларини ҳисобга олган ҳолда, республи-

* 26—28-иловалар берилмайди.

ка бюджети билан Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган касса бўйича тафовутларни тартибга солган ҳолда аниқлаштиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзағромашсервис» уюшмаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникасини ҳамда машина технологияларини синаш ва сертификатлаш марказига ажратиладиган бюджет маблағларини, уни 2010 йилдан бошлаб тўлиқ ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш учун, босқичма-босқич ҳар йили 15 фоизга қисқартириб боришни назарда тутсин.

16. 2006 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари миқдорлари 29-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Белгилаб қўйилсинки, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳажми 2005 йилдаги хорижий кредитлар бўйича асосий қарзни тўлаш ҳажмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Самарқанд вилоятида Давлат бюджети ижросини газна тизимига ўтказиш, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида жойлашган бюджет ташкилотлари учун бюджетнинг газна ижросини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттирсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2007 йилги давлат бюджети лойиҳасини тақдим этиш билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг 2008-2009 йиллар учун мақсадли йўналишларини тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бажарилишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросини таҳлил этиш натижалари бўйича, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети асосий параметрларини Давлат бюджетининг белгиланган тақчиллиги доирасида аниқлаштиришга доир таклифлар киритсинлар.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг:

а) 2005 йилнинг асосий кўрсаткичларини:

Давлат бюджети даромадларини 3330 млрд сўм, харажатларини 3420 млрд сўм миқдорида ҳамда бюджет тақчиллиги ҳажмини ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,6 фоизгача камайтирган ҳолда аниқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини даромадлар бўйича 990,4 млрд сўм ва харажатлар бўйича — 979,6 млрд сўм миқдорида аниқлаштириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2006 йил январь ойида 2005 йил учун барча даражалардаги бюджетлар билан якуний айланмалар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солишга доир операцияларни, 2005 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда ўтказилган операцияларни акс эттирган ҳолда, ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* 29-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 31-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари илгари чиқарилган норматив ҳужжатларини бир ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

23. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 декабрь,
ПҚ-244-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги
ПҚ-244-сон қарорига
30-ИЛЮВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотаётган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 20 октябрдаги 481-сон қарорининг 2-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш материаллари саноати корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 20 майдаги 255-сон қарорининг 3-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 1999 йил 11 ноябрдаги 493-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 2 августдаги 299-сон қарорининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 2 октябрдаги 380-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республи-

каси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2001 йил 27 июндаги 276-сон қарорига илованинг 9-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон қарорига 31-илованинг 4-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига 5-илованинг 8-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон қарорига 26-илованинг 2 ва 6-бандлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 16 июндаги 270-сон қарорига илованинг 2-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди «е» кичик бандининг тўртинчи хатбоши.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг 1945 йил 7 августдаги 1370-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига 27-илованинг 5-банди.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 17 январдаги 28-сон қарорига илованинг 7-банди.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига 22-илова ва 32-илованинг 2-банди.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 15 августдаги 198-сон қарорига илованинг 1-банди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги
ПҚ-244-сон қарорига
31-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
2006 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўлла-

ниш тартиби тўғрисида» 1994 йил 26 декабрдаги 621-сон қарорининг 8-банди иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан» сўзлари «хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибиди:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «40» рақами «65» рақами билан алмаштирилсин; охирги хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 25-банднинг иккинчи хатбошидаги «40» рақами «65» рақами билан алмаштирилсин;

в) 27-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «30 фоиз» сўзлари «25 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 28-1-банддаги «қолдириладиган» сўзидан олдин «Хукумат қарорларига кўра» сўзлари қўшилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида:

1.2.1-банддаги «бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда» сўзлари «хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

2.1.2.5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.1.2.5. Инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш (таъмирлаш, ювиш, тузатиш, дезинфекция қилиш ва х. к.) билан боғлиқ бошқа харажатлар»;

2.1.2.14; 2.1.2.15; 2.1.2.16-бандлар чиқариб ташлансин;

2.3.8.2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.3.8.2. Бир марта бериладиган мукофотлар, йил давомидаги иш якунлари бўйича рағбатлантиришлар, узоқ муддат ишлаганлик учун рағбатлантириш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра натура билан тўловлар, шунингдек ягона ижтимоий тўлов суммаси, улар бўйича ҳисобланган ҳақ»;

1-иловада:

а) 1.21-2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.21-2. Давлат мулкни бошқариш бўйича бошқарувчи компаниялар, давлат ишончли бошқарувчилари ва ишончли бошқарувчилар мукофотлари ва хизматлар ҳақи, шунингдек бошқа профессионал бошқарувчи компаниялар мукофотлари бўйича харажатлар»;

б) 1.28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.28. Байрамлар ва атоқли саналар, ижтимоий фаолиятдаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бир марталик мукофотлар»;

в) 1.14., 1.45., 1.46-бандлар чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

<p>Куйидагиларни расмийлаштирганлик учун:</p> <p>— тегишли божхона режимидаги товарлар ва транспорт воситаларини; транзит, давлат фойдасига воз кечиш, вақтинчалик сақлаш, божхона ҳудудида қайта ишлаш, божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимлари бундан мустасно</p> <p>— «божхона ҳудудида қайта ишлаш» ва «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш» божхона режимларидаги товарларни</p> <p>— олиб кириладиган бугдой (ТИФ ТН коди 1001), қанд-шакар (ТИФ ТН коди 1701), куриладиган ишлаб чиқариш объектлари учун туркумланган асбоб-ускуналарни</p>	<p>божхона қийматининг 0,2 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан кам эмас</p> <p>товарларни қайта ишлаш бўйича хизматлар қийматининг 0,2 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан кам эмас</p> <p>божхона қийматининг 0,05 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан кам эмас</p>
---	---

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал курилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорининг 7-бандидаги «экология солиғини» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисида низомнинг 9-бандига куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказиладиган маблағлардан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ажратилмайди».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-бандда:

«б» кичик банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари, — савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда товар айланмасидан, воситачилик хизматлари кўрсатаётган корхоналар томонидан — воситачиликни тақдирлаш суммасидан, улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари томонидан — ялпи даромаддан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади»;

«е» кичик бандда:

биринчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«сотиб олиш, алмаштириш, ҳадя, устав сармоясига олиш ёки дивидендлар ва фоизлар сифатида олиш йўли билан харид қилинган, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битишувлар ва автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказишда ушбу воситаларининг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган вақтинча олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан тўланадиган йиғимлар ҳисобига шакллантирилади»;

б) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Ажратмалар солиқ солиш объектдан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиқиб ҳар ойда ҳисоблаб чиқилади.

Ажратмаларнинг ҳисоб-китоби ўсиб боровчи якун билан тўловчи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларига:

ягона солиқ тўлови тўламайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлмаган тўловчилар томонидан — ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай тақдим этилади.

Ажратмалар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай тўланади. Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки солиқ органларининг ортиқча тўлов мавжудлиги тўғрисидаги ҳулосасига кўра солиқ тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 кун муддатда Республика пул жамғармаси томонидан солиқ тўловчига қайтарилади».

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 14 ноябрдаги 512-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «хусусийлаштирилётган корхоналар» сўзларидан олдин «Хукуматнинг қарорлари бўйича» сўзлари қўшилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатнинг кон қазиш тармоқлари айрим корхоналарининг юқори даромадига солиқ солиш тўғрисида» 2004 йил 1 июндаги 252-сон қарорида:

2-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти 2004 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ставкалар бўйича миснинг жаҳон нархлари даражасига қараб ундирилдиган ортиқча фойда учун солиқ тўловчи ҳисобланади;

ортиқча фойда солиғи тўлангандан кейин комбинат ихтиёрида қоладиган маблағлар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мақсадли фойдаланиш учун «Олмалиқ кон-металлургия комбинати»нинг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамидан жамланади».

2-банднинг тўртинчи хатбошидаги «жамланган маблағлар» сўзлари «жамланган маблағлар махсус ҳисоб рақамига ўтказилмаган ёки улардан» сўзлари билан алмаштирилсин;

илова чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон тасвирий санъат галереясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2004 йил 10 сентябрдаги 425-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «ва экология солиғини» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

387 Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақил телерадио каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сонли Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (бундан буён матнда — Ўзбекистон МТРК)ни қайта ташкил этиш ва замон талабларига жавоб берадиган телерадиоэшиттириш (кўрсатув)ларни яратишга қаратилган самарали тадбирларни амалға ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон МТРК, телерадиоканаллар ижодий-ишлаб чиқариш жамоалари, «Ўзбектелефильм» давлат унитар корхонаси (ДУП) ва компания корхоналарининг уларнинг ташкилий таркиби ва ходимлар сони ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон МТРК ходимлар сонини оптималлаштириш натижасида тежаб қолдирган 791,3 миллион сўм миқдордаги бюджет маблағлари Ўзбекистон МТРК ижодий ва ишлаб чиқариш ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш учун йўналтирилади;

ходимлар сонини оптималлаштириш телерадиоканалларға ажратилдиган бюджет маблағлари ҳажмининг камайишиға олиб келмайди.

2. «O'zbekiston» телерадиоканали, «Sport» телерадиоканали, «Toshkent» телерадиоканали, «Respublika teleradiomarkazi», «O'zbektelefilm» давлат унитар корхоналарининг ҳамда Ўзбекистон МТРКнинг ташкилий таркиби 1—6-иловаларға* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон МТРК Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги тартиб бўйича Ўзбекистон МТРК ҳудудий бўлинмаларининг ходимлар сонини оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасиға киритсин.

Ўзбекистон МТРК Раисига телерадиокомпания бўлинмаларининг ташкилий таркибига белгиланган ходимлар сони доирасида ўзгартиришлар киритишға рухсат берилсин.

3. «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖнинг ташкилий таркиби 7-иловаға* мувофиқ маъқуллансин.

Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон МТРК ва бошқа давлат, жамоат ташкилотларининг «Yoshlar» телерадиоканали ёпик акционерлик жамияти (ЁАЖ)нинг устав жамғармасини қуйидаги тартибда:

давлат улуши — 51%;

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — 19%;

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси — 15%;

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси — 15% ;

миқдорида тақсимлаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон МТРКнинг телерадиодастурлар тайёрлаш учун зарур техника воситалари, идора жиҳозлари, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа мулклари амалдаги тартиб бўйича қайта баҳолаш амалға оширилгандан сўнг «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖнинг устав жамғармасидаги давлат улуши сифатида тақдим этилади.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий

* 1—7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

тадбирлар Дастури, шунингдек, Ўзбекистон МТРКни ислоҳ қилиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 8-9-иловаларга* биноан тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ 2006 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон МТРКни қайта ташкил этиш бўйича ташкилий-техникавий тадбирларни яқунлаш ва мустақил телерадиоканаллар ҳамда бошқа таркибий бўлинмаларнинг фаолият кўрсата бошлашини таъминласин.

5. Ўзбекистон МТРК телерадиоканаллари ва ҳудудий бўлинмаларининг бир кеча-кундузлик ўртача эшиттиришлар (кўрсатувлар) ҳажми, давлат бюджети маблағлари ҳисобига телефильмлар ишлаб чиқариш йиллик ҳажми 10-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон МТРК Раисига телерадиоканалларнинг бир кеча-кундузлик ўртача эшиттиришлари (кўрсатувлари) ҳажмига мазкур қарорда тасдиқланган параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон МТРК республика Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи давлат унитар корхоналари ва «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва кўрсатадиган хизматлари учун тариф — баҳоларни шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи давлат унитар корхоналарини ҳамда «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ фаолиятини давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон МТРК орқали тасдиқланган телерадиоэшиттиришлар (кўрсатувлар) ҳажми асосида амалга оширилади;

телерадиоканаллар ва «O'zbektelefilm» меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси конкрет (муайян) телекўрсатув, радиоэшиттириш ва фильмларни тайёрлаш учун ижодий ходимларни муддатли шартномалар бўйича жалб этишга йўналтириладиган харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар учун давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган хорижий кредитлар ҳисобига олинган асосий воситаларнинг амортизация тўловлари (харажатлари) давлат унитар корхоналари кўрсатган хизмат учун тарифлар таркибига киритилмайди.

7. Ўзбекистон МТРК ва «O'zbekiston» телерадиоканали, «Sport» телерадиоканали, «Toshkent» телерадиоканали давлат унитар корхоналари ва «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖнинг телерадиокўрсатув ва эшиттиришларнинг юқори сифатини таъминлаган, янги, юксак бадий-ғоявий телерадиодастурлар ва фильмлар тайёрлаш, телерадио кўрсатув ва эшиттиришларда замонавий ахборот, компьютер ва медиожараёнларни жорий қилишни таъминлаган ижодий жамоалар, студиялар ва алоҳида ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида улар ҳузурида рағбатлантириш жамғармаларини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Жамғармалар қўйидаги манбалардан шаклланиши белгилансин:

тежаб қолинган бюджет маблағлари, шу жумладан, ходимлар сонини оптималлаштириш эвазига эришилган маблағ;

реклама фаолияти, пуллик хизмат кўрсатиш, шартномалар бўйича бажарилган ишлардан тушган даромаднинг 25% гача бўлган қисми;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар.

Телерадиоканалларнинг рағбатлантириш жамғармаси ҳақидаги умумий низом 11-иловага** биноан тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон МТРК:

* 8-9-иловалар берилмайди.

** 10-11-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

бир ой муддат ичида Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон МТРКнинг ишлаб турган таркибларида мавжуд техника ва ишлаб чиқариш қувватларини инвентаризация қилишни якунласин. Шаклланаётган телерадиотаркибларнинг эшиттириш ва кўрсатувлари ҳажми ҳамда уларнинг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Respublika teleradiomarkazi» билан телерадиоканаллар ўртасидаги топшириш далолатномалари (ҳужжатлари) ва ажратиш балансларини тайёрласин;

уч ой муддат ичида мамлакат бадий телерадиомахсулотлари (телевизион, ҳужжатли, мультипликацион фильмлар ва бошқалар) ҳажми босқичма-босқич ошиб бориши назарда тутилган ҳолда, аҳолининг билим ва маданий савиясини кўтариш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқаролар онгида демократик кадриятларни шакллантириш, ёшларни ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадларига йўналтирилган «Миллий сериал» ижодий-ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

янги ташкил этилаётган телерадиоканаллар ва таркибларни юқори малакали ижодий-ишлаб чиқариш ходимлари билан таъминласин.

9. Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон МТРК билан биргаликда:

икки ой муддат ичида «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, таъсис мажлисини ўтказиш, унинг низомини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин;

уч ой муддат ичида «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖнинг активларни баҳолаш ва таъсис ҳужжатларини, шунингдек, кейин чиқариладиган акциялар асосида устав жамғармасини шакллантиришни таъминласин;

«Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ акцияларни чиқариш лойиҳасини рўйхатдан ўтказганлиги учун давлат бюджетига тўловлардан озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги икки ой муддат ичида вазирлик таркибида Ўзбекистон МТРКдан ўтказиладиган бадий жамоалар Ижодий бирлашмасини ташкил этсин;

Маданият ва спорт ишлари вазирлигида ташкил этилаётган Ижодий бирлашма билан Ўзбекистон МТРК ўртасидаги ҳамкорликнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишни таъминласин, унинг асосида Ижодий бирлашма бадий жамоаларининг Ўзбекистон МТРК телерадиоканаллари кўрсатувлари ва эшиттиришларида қатнашуви ҳақида шартномалар тузсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари икки ой муддат ичида амалдаги тартиб бўйича Ўзбекистон МТРКдан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ўтказиладиган бадий жамоаларни жойлаштириш учун бинолар ажратиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш бўйича тадбирларни амалга оширсинлар.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президент И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 декабрь,
ПҚ-245-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

389 «ZiyoNET» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш дастури 1-иловага* мувофиқ;

Мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни «ZiyoNET» тармоғига улаш режа-жадвали 2-иловага* мувофиқ;

Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланаётган Дастур ва Режа-жадвалнинг ўз вақтида бажарилишини таъминласинлар.

3. Бюджет ташкилотларини Режа-жадвалга мувофиқ «ZiyoNET» тармоғига улаш ва алоқа хизматлари ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг 2006 йилда ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007—2010 йилларда Давлат бюджети параметрларида бюджет муассасаларини Режа-жадвалга мувофиқ «ZiyoNET» тармоғига улаш ва алоқа хизматлари ҳақини тўлаш учун зарур маблағларни белгиланган тартибда назарда тутсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «ZiyoNET» тармоғига улаш учун провайдерларни танлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 декабрь,
282-сон

* 1-2-иловалар берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш
ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида
жойлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ–191-сон қарорига мувофиқ ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартибига қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончаси — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш «Ўзинфоком» марказининг «ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг (кейинги ўринларда матнда «Ресурс маркази» деб юритилади) «ZiyoNET» тармоғида жойлаштирилган ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлаш қайта излаш ва ундан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш имконини берадиган ахборот ресурслари, ахборот технологиялари, алоқа ва дастурий таъминлаш воситалари жами;

Ресурс маркази бўлимлари — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ресурс маркази бўлимлари;

«ZiyoNET» тармоғига қўйиладиган техник талаблар — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш «Ўзинфоком» маркази томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган яратилаётган ахборот ресурсларига қўйиладиган техник талабларнинг жами.

II. «ZiyoNET» тармоғининг ахборот ресурсларини яратиш

3. «ZiyoNET» тармоғининг ахборот ресурслари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг ахборотларнинг, ахборот ресурсларининг бошқа мулкдорлари ва эгаларининг ахборот ресурслари негизида яратилади.

4. «ZiyoNET» тармоғининг миллий ахборот ресурсларини шакллантириш: таълимнинг самарадорлигини оширишга ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат туйғусини, Ўзбекистоннинг бой тарихи, халқнинг миллий анъаналари ва маънавий қадриятларини билишга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини мустаҳкамлашга;

фаол ҳаётий мавқега эга бўлган баркамол шахсни вояга етказишга;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар хил спорт турларини оммалаштиришга;

республика ўқувчилари ва ёшлари учун масофадан туриб ўқитиш усулларини, бошқа ахборот-коммуникация хизматларининг кенг комплексини таълим тизимида жорий этишга кўмаклашишга йўналтирилган бўлиши лозим.

5. Ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ахборот ва у билан боғлиқ маълумотнома-таҳлилий материаллар мавжуд бўлган «ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурсларини яратиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Болалар ва ёшлар учун ахборот, маданий-маърифий ва спорт ахборотлари ҳамда улар билан боғлиқ маълумотнома-таҳлилий материаллар мавжуд бўлган «ZiyoNET» тармоғининг ахборот ресурсларини яратиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. «ZiyoNET» тармоғининг ахборот ресурсларини яратиш «ZiyoNET» тармоғининг техник талабларига мувофиқ амалга оширилади.

III. «ZiyoNET» тармоғида жойлаштириладиган ахборот ресурсларини экспертизадан ўтказиш

8. «ZiyoNET» тармоғига жойлаштириладиган ахборот ресурслари экспертизадан ўтказилиши керак. Ахборот ресурсларини экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар мазмунига;

таълим стандартлари талабларига;

«ZiyoNET» тармоғининг техник талабларига мувофиқлик юзасидан амалга оширилади.

9. «ZiyoNET» тармоғининг ўзгарадиган ахборот ресурслари (янгиликлар, форумлар, интерактив ташкил этиладиган веб-сайтлар) экспертизадан ўтказилмайди, уларни кўриб чиқиш эса Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази (кейинги ўринларда «Мониторинг маркази» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

IV. «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида ахборот ресурсларини жойлаштириш

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигида экспертизадан ўтган ахборот ресурслари уларни кейинчалик «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасига жойлаштириш учун Ресурс маркази бўлимига юборилади.

11. Ресурс маркази бўлими тармоқда жойлаштириш мўлжалланаётган ахборот ресурсларини «ZiyoNET» тармоғи техник талабларига мувофиқлик юзасидан олдиндан ўрганиб чиқади.

12. Ахборот ресурслари «ZiyoNET» тармоғининг техник талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда Ресурс маркази бўлими Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигига ахборот ресурсларини қайта ишлаш зарурлигини маълум қилади.

13. Ресурс маркази бўлими тақдим этилган ахборот ресурсларини «ZiyoNET» тармоғига ахборот ресурслари тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан кўп бўлмаган муддатда жойлаштиради.

14. «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ишларини ташкил этиш Ресурс маркази томонидан амалга оширилади.

15. Ахборотларнинг, ахборот ресурсларининг бошқа эгалари ва мулкдорларининг ахборот ресурсларини «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш шартномалар асосида амалга оширилади.

V. «ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурслари мониторинги

16. «ZiyoNET» тармоғининг ахборот ресурслари мониторинги Мониторинг маркази томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

17. Мониторинг маркази:

«ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурсларининг мунтазам тизимли мониторингини ташкил этади ва олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ва Ресурс марказига аниқланган камчиликлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши юзасидан тавсиялар ва огоҳлантиришлар беради;

«ZiyoNET» тармоғи фойдаланувчиларининг халқаро ахборот тармоқларининг ахборот ресурсларига, шу жумладан интернет тармоғига уланишини ташкил этиш учун ахборот ресурсларининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлайди.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги бир кунлик муддатда Ресурс марказини Мониторинг маркази томонидан аниқланган камчиликлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши юзасидан кўрилган чора-тадбирлар бўйича хабардор қилади.

19. Мониторинг маркази ва Ресурс марказининг ўзаро ҳамкорлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VI. Яқуний қоидалар

20. Ахборот ресурсларининг ҳимоя қилиниши ва сақланиши таъминланиши учун «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс маркази жавоб беради.

21. «ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурслари яратилиши ва экспертизадан ўтказилиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги жавоб беради.

22. «ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурслари мониторинги учун Мониторинг маркази жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING QARORI

390 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толасини сотиш механизми тўғрисида» 2003 йил 16 октябрдаги 447-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 98-модда) 2-бандининг олтинчи хатбошидаги «Ливерпуль пахта биржасидаги» сўзлари «Коттон Оутлок»да эълон қилинадиган «А» индекси ва унинг Ўзбекистондаги компоненти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 90-модда) билан тасдиқланган Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиладиган пахта толасига шартномавий нархлар, юклаб жўнатиш санасида «Коттон Оутлок»да эълон қилинадиган «А» индекси ва унинг Ўзбекистондаги компоненти котировкаларига мувофиқ вужудга келадиган жаҳон нархларидан келиб чиққан ҳолда 15 фоиз миқдо-ридаги чегирма билан белгиланади».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 декабрь,
283-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

391 **Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси корхоналарининг молиявий ҳолатини соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 20 октябрдаги ПҚ–204-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар,

Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган ҳар бир корхонада (узум ва меваларни дастлабки қайта ишловчи корхоналардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бир нафар молия инспектори лавозими жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун лицензия берилган, лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган ёхуд лицензия бекор қилинган ҳолларда этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда молия инспекторларининг белгиланган сонини кўпайтириш ёки камайитириш ҳуқуқи берилсин.

Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда раҳбарнинг режим бўйича ўринбосари лавозимига тайинлаш белгиланган тартибда, уларнинг таъминоти эса — этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган корхоналар (узум ва меваларни дастлабки қайта ишловчи корхоналардан ташқари) томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин, шунингдек уларнинг баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 декабрь,
285-сон

* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш
фаолиятини лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагиларни:

а) озиқ-овқат спирти, тозаланган спирт, шу жумладан узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт;

б) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт хом ашёси;

в) коньяк ва кальвадос спирти;

г) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган виноматериаллар (тозаланган ва тозаланмаган), шунингдек ғалладан тайёрланган ярим тайёр спиртли маҳсулотлар;

д) узум, мева-резавор мевадан ва ярим тайёр спиртли маҳсулотлардан тайёрланган винолар;

е) ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари, бальзамлар;

ж) коньяклар (брендилар), коньяк ичимликлари ва кальвадослар;

з) шампан виноси, кўпикланадиган ва газли винолар;

и) даражаси паст (пиводан ташқари) ва ўткир спиртли ичимликлар, дамламалар ва ликёрлар;

к) вино ичимликлари: ўткирлиги 4 ҳажмли фоиздан 8 ҳажмли фоизгача бўлган паст даражали ичимликлар, ўткирлиги 9 ҳажмли фоиздан 28 ҳажмли фоизгача бўлган ўткир ичимликларни саноат асосида ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланади.

3. Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган ҳар бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга алоҳида берилади.

5. Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади.

6. Лицензияларни бериш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхташ ва узайтириш ҳамда лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш, улар юзасидан эксперт хулосаси ва Комиссия қарорларлари лойиҳаларини тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бериш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензия битимини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш учун Комиссия ҳузурида «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспек-

цияси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари мутахассисларидан ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади) тузилади. Ишчи гуруҳ фаолиятига Комиссиянинг масъул котиби раҳбарлик қилади. Ишчи гуруҳнинг шахсий таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

II. Лицензия талаблари

7. Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талабларига қуйидагилар қиради:

этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя этиш;

ишлаб чиқариш хавфсизлигини, техника хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларини таъминлаш;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ёки «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган технология йўриқнома-ларининг мавжуд бўлиши;

спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида тегишли малакага эга бўлган камида икки мутахассиснинг мавжуд бўлиши;

моддий-техника базаси ва технология асбоб-ускуналарининг белгиланган норматив-техник талабларга мувофиқ бўлиши;

спирт ва алкоғолли маҳсулотларни лицензия олишда кўрсатилган ҳажмлар доирасида ишлаб чиқариш;

этил спирти ишлаб чиқариш ва алкоғолли маҳсулотларни қуйиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналарда раҳбарнинг режим бўйича ўринбосари лавозимининг мавжуд бўлиши;

этил спирти ишлаб чиқариш ва алкоғолли маҳсулотларни қуйиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспектори лавозимининг мавжуд бўлиши.

8. Лицензия беришда ва унинг амал қилиш муддатини узайтиришда шунингдек спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга давлат монополиясини белгиловчи ҳамда мазкур Низомнинг III бўлимида назарда тутилган шартлар ҳам ҳисобга олинади.

III. Лицензия бериш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) учун зарур шартлар

9. Илгари тегишли маҳсулот турини ишлаб чиқаришга лицензия олмаган лицензия талабгорларига лицензия бериш қуйидаги шартларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

а) янги календарь йил учун Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқиладиган параметрларга ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган этил спирти ва алкоғолли маҳсу-

лотлар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш балансларига қатъий риоя қилишдан келиб чиққан ҳолда;

б) этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга тушириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади, Вазирлик этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш балансидан келиб чиққан ҳолда этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича таклиф этилаётган қувватларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

в) ароқ, ликёр-ароқ маҳсулотлари ва вино лицензия талабгори томонидан лицензия олишда кўрсатилган, йиллар бўйича тақсимлангандан кам бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқарилади. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми лицензия талабгори томонидан ишлаб чиқариш қувватидан, ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун — абсолют алкоғолга қайта ҳисоблаганда йилига 30 минг декалитр ва ундан ортиқ, вино қуювчи ихтисослаштирилган корхоналар учун — йилига 60 минг декалитр ва ундан ортиқ вино оборотидан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади;

г) технология ва технология линиялари, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш лабораторияси ва унинг жиҳозланиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати давлат стандартлари талабларига мувофиқ бўлиши;

д) технология линиялари ва асбоб-ускуналарнинг гигиена сертификатига эга бўлиши;

е) корхоналарнинг ишлаб чиқариш лабораториялари зарур асбоб-ускуналар, приборлар, кимёвий реактивлар билан жиҳозланган ва давлат стандартларида назарда тутилган барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа кўрсаткичларни анализ қилиш имконини берувчи синов усулларига доир норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш лабораториялари «Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан аттестациядан ўтказилган бўлиши лозим;

ж) корхонанинг устав фонди лицензия бериш тўғрисида ариза берилган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10000 бараварини ташкил этиши керак (узум ва меваларни дастлабки қайта ишлайдиган корхоналар бундан мустасно);

з) алкоғолли маҳсулотларни қуйиш линияларида ҳисобга олиш маълумотлари кўрсаткичларини тегишли ҳимоялаш воситасига эга бўлган тайёр маҳсулотларни электрон ҳисоблагичларнинг мавжуд бўлиши.

10. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган шартлар билан бир қаторда қуйидаги шартлар ҳам ҳисобга олинади:

а) илгари берилган лицензиянинг амал қилиш даврида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари, шу жумладан Низомнинг ушбу бўлимида назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилмаган бўлиши керак;

б) корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш цехлари, участкалари ва филиаллари белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши, технология йўриқномаларига, давлат стандартларига ва бошқа норматив ҳужжатларга эга бўлиши керак;

в) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитация қилинган органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак;

г) алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқараётган лицензиатлар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан камида 60 фоиз фойдаланилишини таъминлаши керак, ишлаб

чиқариш қувватлари лицензиатга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фойдаланилмаган ҳоллар бундан мустасно;

д) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот намуналари ҳар чоракда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг стандартлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса олиш учун «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясининг Республика марказий дегустация комиссиясига тақдим этилиши керак;

е) лицензиатнинг илгари берилган лицензиянинг амал қилиши даврида бюджетга ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзлари бўлмаслиги керак;

ж) фаолият даврида лицензиат маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарни модернизация қилинган, янги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшиловчи асбоб-ускуналарга босқичма-босқич алмаштирилишини таъминлаган бўлиши керак.

IV. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

11. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолият тури (ёхуд унинг бир қисми) ва ушбу фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича таклиф этилаётган қувватларни фойдаланишга топширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўғрисида «Ўзстандарт» агентлиги (унинг ҳудудий бошқармалари)нинг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси билан биргаликда берилган хулосаси;

лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат;

ишлаб чиқариш лабораториясининг «Ўзстандарт» агентлиги органларида аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

санитария-эпидемиология назорати органларининг маҳсулотнинг, ишлаб чиқариш шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

технология асбоб-ускуналарининг гигиена сертификатлари нусхалари;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳудудий органларининг ишлаб чиқаришнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

ёнгин назорати органларининг ишлаб чиқаришнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

давлат солиқ органининг бюджетга ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси (лицензиянинг амал қилиш муддати узайтирилганда);

корхонанинг Комиссия томонидан белгиланадиган шакл бўйича паспорти;

шакллантирилган устав фондининг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси.

12. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

13. Ҳужжатлар лицензияловчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

14. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

V. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

15. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўлов кунда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиққанлик учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

16. Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ҳамда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тасдиқлаш учун Комиссияга тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга тақдим этади. Бунда ишчи гуруҳ, зарурият бўлганда, жойларга бориб ёки давлат тегишли органлари мутахассисларини жалб этиб ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини текширишга ҳақлидир.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколинини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

17. Комиссия этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ҳамда лицензия беришда этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш балансининг ҳар йили тасдиқланадиган параметрларига қатъий амал қилиши шарт.

18. Ишчи гуруҳ лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия

талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш ҳақида қарор қилингани тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия шартномаси юборилади.

Лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган аниқ фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи гуруҳ томонидан назорат қилиш тартиби;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа зарур маълумотлар.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади. Лицензия битимини лицензияловчи орган номидан ишчи гуруҳ раҳбари имзолайди.

19. Лицензиялар ишчи гуруҳ томонидан белгиланган намунадаги бланкаларда расмийлаштирилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензия бланкаларини тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

20. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

21. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

22. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гуруҳнинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

23. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

24. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи гуруҳ ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олингандан кейин етти кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорлари аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

VI. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

25. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

26. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

27. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи гуруҳ лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи гуруҳ томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдориди йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

28. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

29. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат оммавий ахборот воситаларида йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни лицензияловчи органга тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдориди йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

VII. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

30. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ишчи гуруҳ томонидан, қонун ҳужжатларида ва лицензия битимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи гуруҳ ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш ҳуқуқига эга.

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида ишчи гуруҳ томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш учун Комиссия ёки ишчи гуруҳ қарорига биноан «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Алкоғолли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси инспекторлари ва давлат бошқа органлари вакиллари жалб этилиши мумкин.

VIII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

33. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссия:

этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш миқдорини лицензия олиш вақтида кўрсатилган ҳажмларда таъминламаганда ҳамда у ушбу Низомнинг 9-банди «в» кичик бандида назарда тутилган миқдордан паст бўлганда, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан 10-банд «г» кичик бандида белгилангандан кам ҳажмда фойдаланилганда — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳулосасига биноан;

уч ой ва ундан кўп вақт мобайнида бюджетга ва давлат мақсадли фондларига муддати ўтиб кетган тўловлар мавжуд бўлганда, шунингдек лицензиатнинг акциз маркаларисиз ёки сохта акциз маркали алкогольли маҳсулотларни сотганлиги, этил спирти ва алкогольли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган лицензия (рухсатнома)ларга эга бўлмаган ташкилотларга етказиб берганлиги ҳоллари аниқланганда — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳулосасига биноан;

сифатсиз спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани ёки сотилгани, шунингдек уларнинг давлат стандартларига мувофиқ эмаслиги аниқланганда — «Ўзстандарт» агентлиги ҳулосасига биноан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

34. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

IX. Лицензиялар реестри

35. Ишчи гуруҳ лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:
юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

банкдаги ҳисоб рақами ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;
лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;
лицензияларнинг амал қилиш муддати;
ишлаб чиқарилишига лицензия берилган маҳсулот номи;
лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
дубликат бериш асослари ва санаси.

36. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

X. Давлат божини тўлаш тартиби

37. Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун:

ушбу Низом 2-бандининг «а», «в», «е» ва «ж» кичик бандларида назарда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан;


ушбу Низом 2-бандининг «б», «д», «з», «и» ва «к» кичик бандларида назарда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдориди;


ушбу Низом 2-бандининг «г» кичик бандида назарда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдориди давлат божи ундирилади.

Лицензиялар берганлик учун давлат божи маблағлари республика бюджетига ўтказилади.

Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш схемаси





Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарорига
З-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджетга акциз солиғи тушишини назорат қилувчи молия инспекторлари лавозимларини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 26 ноябрдаги 418-сон қарорига 1-иловадаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси» бўлими чиқариб ташлансин, жами «44» рақами «28» рақами билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспекторлари тўғрисидаги низомнинг 1-бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Молия инспекторлари лавозими жорий этиладиган корхоналар рўйхати (этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарга молия инспектори лавозими Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга лицензия берилишига қараб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан киритилади, лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёхуд бекор қилинганда ушбу лавозим қисқартирилади».

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда) 7-банди ва қарорга 4-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 15 январдаги 24-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 4-модда) 2, 4, 8-бандлари ва қарорга 1—3-илловалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

392 Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

Иқтисодиётнинг устувор тармоқлари компаниялари, уюшмалари ва хўжалик бирлашмаларини ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 182-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом III бўлимнинг 8-бандига иккинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«истисно ҳолларда, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари хўжалик юритувчи субъектларининг ўзаро пуллик мажбуриятлари бўйича қарзларини тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли комплекслари раҳбарлари билан келишган ҳолда кўриб чиқиш».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
288-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

393 Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш кiritиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
28 декабрда 795-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 7 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2005 йил 19 октябрдаги 10-сон мажлис баёнига асосан **буюр-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 1999 йил 24 июлдаги 3-сон мажлис баёни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (1999 йил 6 август, рўйхат рақами 795) 20-бандининг учинчи хатбошидаги «25 фоизидан» сўзлари «30 фоизидан» сўзларига алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Фуломхўжаев зиммасига юклатилсин.

Бош вазирнинг ўринбосари, Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг раиси, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 ноябрь,
248-сон

Келишилди:

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 ноябрь

Тошкент ш.,
2005 йил 11 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

394 Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 декабрда 992-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 8 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига (2004 йил 20 апрель, рўйхат рақами 992-1) киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 ноябрь,
26/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 24 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 14 ноябрдаги 248-сон буйруғи.*

2005 йил 28 декабрда 795-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 7 январдан кучга киради).

2. «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 26 ноябрдаги 26/4-сон қарори.*

2005 йил 29 декабрда 992-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 8 январдан кучга киради).

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Кемаларни кўтариш қурилмаларининг техник эксплуатацияси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» буйруқ. *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

